

**“Тошкент қишлоқ-хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори” АЖ
акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиш
БАЁНИ**

2020 йил 15 декабр

Соат 11-00

Ўтказилган жойи: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Тошкент автомобил халқа йўли, жамият маъмурият биноси

Тошкент шаҳри

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Бектемир тумани, Тошкент автомобил халқа йўли, жамият маъмурият биносида 2020 йил 15 декабр куни ўтказилди. Йиғилишда 1.137.880 овозга эга 13 та акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 93,21% ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш хукуқига эга.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокимияти номидан ишончнома асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК, “Бозорлар ва савдо комплекслари Департаменти” бошлиги ўринбосари Ганиев Дилмурод Иркинович қатнашди.

Йиғилиши раёсатига бир овоздан қўйидагилар сайландилар:

Ганиев Д.И. - “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК, “Бозорлар ва савдо комплекслари Департаменти” бошлиги ўринбосари

Камолов Т.К. – Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК бош мутахассиси, жамият кузатув кенгashi аъзоси, Ж.Алматов- Жамият директори

*Йиғилиши котибиятига бир овоздан қўйидагилар сайландилар: И.Абдурахманова
Йиғилиши саноқ ҳайъатига қўйидаги ходимлар сайландилар:*

Ж.Авелов, К.Бойбутаева, Г. Шайдуллаева

Йиғилишга жамият кузатув кенгashi аъзоси Т.Камолов раислик қилди.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
2. Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш.
3. Имтиёзли хуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш

Йиғилиш раиси Д.И.Ганиев кун тартибидаги масалаларни мухокама этиш учун овозга қўйди. Ушбу таклиф овозга қўйилди ва йиғилиш катнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан мажлис раиси Д.И.Ганиев сўзни жамият директори Ж.Алматовга берди.

Ж.Алматов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 майдаги 112-сонли, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 14 май 458-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 18 декабрдаги 366-сонли қарорлари асосида, Бектемир туманида жойлашган “Тошкент қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори” АЖ худудида “Замонавий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари” (гипермаркет) курилиб фойдаланишга топширилган. Ушбу “Замонавий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари” улгуржи савдо мажмуасининг курилишига 30,0 млрд сўмдан ортиқроқ маблағ сарф килинган. Юқорида келтирилган қарорларда курилиш

белгилаб кўйилганлигини инобатга олиб ушбу суммага мос равишда кўшимча акциялар чиқарилиши маълум қилди.

Мазкур масала бўйича жамият директори тушунтириш бериб, жамиятдаги қурилиш ишлари қиймати 31,7 млрд сўм атрофида эканлиги, жамиятнинг уставида жойлаштирилган акцияларга кўшимча тартибда жамият умумий қиймати 13 956 000 400 (ўн уч миллиард тўққиз юз эллик олти миллион тўрт юз) сўмлик, номинал қиймати 1480 (бир минг тўрт юз саксон) сўм бўлган 9 429 730 (тўққиз миллион тўрт юз йигирма тўққиз минг етти юз ўттиз) дона оддий акцияларни чиқаришга ҳақли эканлиги кўрсатилганлигини билдириб, шу мақсадда эълон қилинган акциялар микдорини ошириш зарурияти борлигини айтиб, жамият умумий қиймати 148 000 000 000 (бир юз қирқ саккиз миллиард) сўмлик, номинал қиймати 1 480 (бир минг икки юз) сўм бўлган 100.000.000 (юз миллион) дона оддий эгасининг номи ёзилган хужжатсиз шаклдаги акцияларни чиқаришга ҳақли эканлигини жамият уставига киритиш таклифини киритди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **иккинчи** масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис И.Абдурахманова сўзга чиқиб, билдириб, юкорида келтирилган вазифани амалга ошириш учун яъни, эълон қилинган акцияларни микдорига ўзгартириш киритиш ва ушбуни жамият уставига киритиш лозимлигини таъкидлаб, шу мақсадда жамият Устави янги таҳрирда тайёрланганини маълум қилди ва мажлис қатнашчиларини янги таҳрирдаги Устав лойихаси билан таништириди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **учинчи** масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис И.Абдурахмонова сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 майдаги 112-сонли, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 14 май 458-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 18 декабрь 366-сонли қарорларида жамиятда олиб борилган қурилиш ишларига сарфланган маблағлар асосида, Бектемир туманида жойлашган “Тошкент қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори” АЖ худудида “Замонавий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари” (гипермаркет) қурилиб фойдаланишга топширилган. Ушбу “Замонавий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари” улгуржи савдо мажмуасининг қурилишига 30,0 млрд сўмдан ортиқроқ маблағ сарф килинган. Юкорида келтирилган қарорларда қурилиш ишларига сарфланган маблағ микдорига teng равишида кўшимча акциялар чиқарилиши ва ушбу акцияларни қурилиш ишларига сарфланган банк кредити маблагини қоплашга йўналтирилган маблағлар ҳисобига расмийлаштирилиши белгиланганлигини билдириди ҳамда жамиятдаги қурилиш ишлари учун олинган банк кредитининг бир қисми ҳокимият томонидан ва “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ маблағлари томонидан қопланган.

Жумладан,

1.) “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ 2019 йил 27 июнда 347-сонли хат билан мурожаат этиб, хатида қуйидагиларни келтирган:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ-2340 сонли “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 2-илова ижросини таъминлаш мақсадида “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ томонидан кўшимча чиқарилган акциялар белгиланган тартибда

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 18 декабрдаги 366-сонли қарори ва 2016 йил 22 марта даги 216ф-сонли фармойиши билан дехқон бозорлари (Миробод, Олой, Тошкент улгуржи ва бошқа) қурилишига кредит маблағлари олинган бўлиб, кредит маблағларини қайтариш манбааларидан бири этиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ-2340-сонли қарори 2-иловасига асосан акциялар сотилишидан тушган маблағлар кўрсатилган.

“Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖда мазкур акциялар сотилишидан тушган маблағлардан 1.084.860.000 сўм Савдо департаментининг 2016 йил 24 февралдаги 327-сонли хатига асосан пул маблағлари савдо департаменти орқали дехқон бозорлари қурилиши учун олинган кредитни қоплашга йўналтирган.

Келтириб ўтилган 366-сонли қарорнинг 5 бандида ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 22 декабрдаги 1116-сонли қарорининг 3 бандида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ-2340-сонли қарорининг 2-иловасига киритилган дехқон бозорлари ва савдо комплекслари томонидан чиқарилган қўшимча акцияларни сотилишидан тушган маблағлар, кейинчалик тегишли дехқон бозорлари ва савдо комплекслари устав капиталига улуш сифатида акциядорларнинг бошқарув органлари қарорлари асосида киритилиши таъминлансан деб белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда мазкур маблағ, “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг бухгалтерия балансида дебитор қарз бўлиб туриди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг акциялари сотилишидан тушган ва дехқон бозорлари қурилиш учун олинган кредитни қоплашга йўналтирилган маблағ ҳисобига жамиятингизда акциялар чиқариб “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ номига расмийлаштириб берилишини сўраймиз.

2.) Бугунги кунда жамиятдаги маълумотларга кўра Бектемир тумани халқ банкидан жамиятдаги қурилиш ишларини молиялаштириш ишлари учун олинган кредитни бир қисми ҳокмият маблағлари ҳисобидан қопланган, қолган қисмини қоплаш юзасидан музокаралар олиб борилмоқда.

Ушбу муносабат билан жамиятдаги қурилиш ишлари учун олинган банк кредити маблағини қоплашга йўналтирилган маблағ эгаларига (ҳозирча “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги) улар сарфлаган маблағига мутаносиб равишда акциялар бериш белгиланганлигини инобатга олиб, қўшимча чиқариладиган акцияларни жойлаштиришда Имтиёзли хукуқни қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш таклифи киритилганлиги билдириди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси умумий йиғилиш кун тартиbidаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари саноқ ҳайъати томонидан аниқланунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Кун тартиbidаги барча масалаларини мухокамаси тугагандан сўнг, мажлис мухокамасига киритилган масалаларга овоз бериш натижалари бўйича тайёрланган баённомани саноқ комиссия раиси А.А.Атаев ўқиб эшиттириб, қуидаги натижалар қайд этилганлигини маълум қилди:

№	Кун тартиби	«Ёклайман»	«Қаршиман»	«Бетарафман»	Овоз бермаганлар	Хакикий эмаслар
1	Масалада	1127890	100 %	0	0	0

3	Масала	1137880	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
---	--------	---------	-------	---	---	---	---	---	---	---	---

Қарор қабул қилади.

1. Жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча тартибда умумий қиймати 148 000 000 000 (бир юз қирқ саккиз миллиард) сўмлик, номинал қиймати 1 480 (бир минг тўрт юз саксон) сўм бўлган 100.000.000 (юз миллион) дона оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги акцияларни чиқаришга ҳақли эканлиги тасдиқлансан (ёқлаган 1137880 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф – йўқ);
2. Жамиятнинг янги тахрирдаги Устави тасдиқлансан ва ўрнатилган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилсан (ёқлаган 1137880 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф – йўқ);
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 майдаги 112-сонли, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 14 май 458-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 18 декабрь 366-сонли қарорларида жамиятда олиб борилган курилиш ишлари учун банк кредитини расмийлаштириш ва кредитни фоизи билан қайтариш ишларига сарфланган маблағлар хисобига жамият устав фондини ошириш назарда тутилганлиги инобатга олиниб, ушбу сарфланган маблағлар миқдорига тенг равишда чиқариладиган қўшимча акцияларни жойлаштиришда Имтиёзли ҳукуқни кўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш таклифи тасдиқлансан (ёқлаган 1137880 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

Баённома имзоланган сана: “14” декабр 2020 йил.

Йигилиш раиси

Т.Камолов

Баённи олиб борди

И.Абдурахманова

НАИМЕНОВАНИЕ ЭМИТЕНТА							
1.	Полное:		"Toshkent qishloq xo'jalik mahsulotlari ulgurji bozori" aksiyadorlik jamiyati				
	Сокращенное:		"Toshkent qishloq xo'jalik mahsulotlari ulgurji bozori" AJ				
	Наименование биржевого тикера:*		Нет				
КОНТАКТНЫЕ ДАННЫЕ							
2.	Местонахождение:		г. Ташкент, Бектемирский район, Ташкентская автомобильная кольцевая дорога				
	Почтовый адрес:		г. Ташкент, Бектемирский район, Ташкентская автомобильная кольцевая дорога				
	Адрес электронной почты:*		Ulgurji_830@mail.ru				
	Официальный веб-сайт:*		www.toshkent-ulgurji.uz				
ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ							
Номер существенного факта:		06					
Наименование существенного факта:		Решения, принятые высшим органом управления эмитента					
Вид общего собрания:		Вне очередного					
Дата проведения общего собрания:		15.12.2020 г.					
Дата составления протокола общего собрания:		24.12.2020 г.					
Место проведения общего собрания:		г. Ташкент, Бектемирский район ТКАД					
Кворум общего собрания:		93,21 %					
3.	Вопросы, поставленные на голосование	Итоги голосования					
		за		против		воздержались	
		%	количество	%	количество	%	количество
1	Эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилашни кўриб чиқиш.	100	1137880	0	0	0	0
2	Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлашни кўриб чиқиш.	100	1137880	0	0	0	0
3	Имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилишни тасдиқлашни кўриб чиқиш	100	1137880	0	0	0	0
Полные формулировки решений, принятых общим собранием:							
1.	Жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча тартибида умумий қиймати 148 000 000 000 (бир юз кирк саккиз миллиард) сўмлик, номинал қиймати 1 480 (бир минг тўрт юз саксон) сўм бўлган 100.000.000 (юз миллион) дона оддий эгасининг номи ёзилган хужжатсиз шаклдаги акцияларни чиқаришга ҳақли эканлиги тасдиқлансин (ёклаган 1137880 та овоз – 100 %, карши – йўқ, бетараф – йўқ);						
2.	Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави тасдиқлансан ва ўрнатилган тартибида кайта рўйхатдан ўтказилсан (ёклаган 1137880 та овоз – 100 %, карши – йўқ, бетараф – йўқ);						
3	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 майдаги 112-сонли, Тошкент шахар хокимининг 2015 йил 14 май 458-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 18 декабрь 366-сонли қарорларида жамиятда олиб борилган курилиш ишлари учун банк кредитини расмийлаштириш ва кредитни фоизи билан қайтариш ишларига сарфланган маблағлар хисобига жамият устав фондини ошириш назарда тутилганлиги инобатга олинни, ушбу сарфланган маблағлар миқдорига teng равишда чиқариладиган қўшимча акцияларни жойлаштиришда Имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш таклифи тасдиқлансан (ёклаган 1137880 та овоз – 100 %, карши – йўқ, бетараф – йўқ).						

Ф.И.О. руководителя исполнительного органа

Алматов Жасур Ботирович

Ф.И.О. главного бухгалтера:

Каримов Абдурасул Джуреевич

Ф.И.О. уполномоченного лица, разместившего информацию на веб-сайте:

Абдурахманова Ирода